



CONCEPTS RELATED TO LIABILITY FOR LEGALIZING INCOME FROM CRIMINAL ACTIVITIES

Yoqubjonov Alisher

Master student, Law Enforcement Academy

Faculty of Anti-Corruption

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11220146>

ARTICLE INFO

Received: 12th May 2024

Accepted: 19th May 2024

Online: 20th May 2024

KEYWORDS

Criminal activity, administrative liability, criminal liability, money laundering, financing of terrorism, weapon of mass destruction, internal control, legislation of the Republic of Uzbekistan, protection of victims, compensation for damages.

ABSTRACT

This article analyzes the foundations of liability for the legalization of income derived from criminal activities in our Republic. It also examines the key concepts in the legislation of the Republic of Uzbekistan regarding the legalization of income derived from criminal activities, the financing of terrorism, and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction. Based on this analysis, ways to improve the legal framework are proposed to enhance the effectiveness of measures to combat the legalization of criminal income. Additionally, proposals for amendments to the existing legislation are presented, aimed at protecting the legitimate interests of victims and ensuring full compensation for the material damage caused to them.

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР

Ёқубжонов Алишер Шерзод ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг

“Коррупцияга қарши курашиш” факультети

магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11220146>

ARTICLE INFO

Received: 12th May 2024

Accepted: 19th May 2024

Online: 20th May 2024

KEYWORDS

Жиноят даромадларини легаллаштириш, жиноий фаолият, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, пул маблағларини ювиш,

ABSTRACT

Ушбу мақолада Республикада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик асослари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича асосий тушунчалар таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил асосида жиноий фаолиятдан



терроризмни молиялаштириш, оммавий қирғин қуроли, ички назорат, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, зарарни қоплаш.

олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш чора-тадбирларини самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўллари таклиф этилади. Ундан ташқари амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритиш таклифлари баён этилган бўлиб, бу ўзгартишлар жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплашни таъминлашга қаратилган.

Республикада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жавобгарлик асослари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 179³-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш) учун белгиланган.

Бунда маъмурий жавобгарлик бўйича айбдор 2 та ҳолатда маъмурий жазога тортилиши белгиланган:

1) ички назоратни, мижозларни лозим даражада текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш ва сақлашни, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этишни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир талабларни бузиш, операцияни амалга оширишни рад этиш, худди шунингдек махсус ваколатли давлат органига шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик, қонунчилик талабларининг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишга ёки операцияларни тўхтатиб туришга оид қисмини ижро этмаслик;

2) ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан бузиш, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёхуд ошкор этиш учун жавобгарлик асослари белгиланган.¹

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун жиноий жавобгарлик «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/97664>



қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш»² учун белгиланган.

Айнан бу турдаги ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ тушунчалар асосан “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгиланган бўлиб, унга кўра ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

жиноий фаолиятдан олинган даромадлар - жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, худди шунингдек бундай пул маблағларининг ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмиш;

пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш - пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

операцияларни тўхтатиб туриш — мижознинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

терроризмни молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмиш.

оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш — ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қуролни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни яратиш,

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/111453>



ишлаб чиқариш, олиш, тўплаш, сақлаш, ўтказиш, фойдаланиш мақсадида ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёки йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш.³

Қонунга мазмунига кўра жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган **чора-тадбирларга** қуйидагилар қиради ҳамда ушбу терминларга қуйидагича ҳуқуқий тушунчалар белгиланган:

- **махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи;

- **ички назорат** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир;

- **мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар: ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда хўжалик, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда; ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир марталик операциялар амалга оширилганда; шубҳали операциялар амалга оширилганда; мижознинг шахси тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар кўришлари шарт;

- **таваккалчиликларни аниқлашга, баҳолашга ва камайтиришга доир чоралар** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, шунингдек ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширувчи органлар жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар кўриши шарт эканлиги белгиланган.⁴

Лекин ушбу жиноятлар бўйича ишлар таҳлил қилинганда мазкур турдаги ишларни тергов қилиш ва судда кўришда ушбу жиноятни квалификация қилиш ва жазо тайинлаш билан боғлиқ айрим муаммолар борлиги кўришимиз мумкин.

³ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида», 26 август 2004 й. № 660-Қ / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/284542>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида», 26 август 2004 й. № 660-Қ / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/284542>



Жумладан, амалдаги Жиноят кодекси 243-моддасига 2-қисм сифатида “Агар иш бўйича жисмоний ёки юридик шахсларга, давлатга жиноят натижасида моддий зарар етказилган бўлса, жисмоний ёки юридик шахсларга, давлатга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангандан сўнг жиноий фаолиятдан олинган мол-мулкнинг қолган қисми мусодара қилинади” деган нормани киритиш зарур. Суд-тергов амалиётида айрим ҳолатда дастлаб жиноий йўл билан топилган мол-мулклар мусодара қилиниб, суд қарорларида айбдорлардан жабрланувчиларга зарар ундирилиши белгиланиши жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бу ўзгаришнинг киритилиши жиноят натижасида зарар кўрган жабрланувчилар ёки фуқаровий даъвогарлар (жисмоний ва юридик шахслар, давлат)ни қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ва уларга етказилган моддий зарарни қопланишини таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/97664>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида», 26 август 2004 й. № 660-Қ / [Электрон ресурс] - <https://lex.uz/docs/284542>